



Маҳалла

ШАНБА

2014 йил 13 сентябрь,
№77-78 (1045)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи

Мухтарам давлат раҳбарлари! Хурматли мажлис қатнашчилари! Авваламбор, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари, ШХТда кузатувчи мақомига эга бўлган давлатлар раҳбарлари ва мазкур саммитга тақдир этилган меҳмонларга ўзининг самимий ҳурматини изҳор этишга руҳсат бергайсиз. Фурсатдан фойдаланиб, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонга самимий меҳмондўстлик ва бугунги учрашув юксак савияда ташкил этилгани учун миннатдорлик билдиришмоқчиман.

Бугун бу ерда давлат раҳбарлари томонидан ШХТнинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти юзасидан билдирилган фикрларга қўшиламан. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти нисбатан қисқа даврда жажон сиёсатида муҳим ўрин тутаётган нуфузли халқаро тузилмага айланди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Кейинги вақтда, дунёнинг турли жойларида қарама-қаршилик ва кескинликлар кучайиб бораётган бир шароитда ташкилотга аъзо мамлакатлар, шунингдек, кузатувчи давлатларнинг

биргаликдаги сазй-ҳаракатлари билан минтақада тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, терроризм, сепаратизм, экстремизм, наркотрафик ҳамда бошқа хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилди.

ШХТнинг Миллий координаторлар кенгаши, Хавфсизлик котиблари ва экспертлар кенгаши даражасида амалга оширилаётган улкан ишларни ҳам алоҳида қайд этишни истардим.

Мухтарам давлат раҳбарлари! Имониятдан фойдаланиб, куйидаги масалаларга қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бугун Афғонистонда юзага келаятган вазият сурункали беқарорлик хусусияти ва янада кескин тус олиш тенденциясига эга. Шунингдек, Афғон муаммосини бартараф этишдан манфаатдор бўлган барча томонлар бир масалада якдилдир, яъни Афғонистонда ҳарбий йўл билан тинчликка эришиб бўлмайди.

Афғонистонда уруш йилларида тинч ҳаёт ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмаган бутун бир авлод воя-

га етди. Жорий йилнинг июнь ойида Афғонистонда ўтказилган президент сайлови шунинг кўрсаткичи, Афғон халқи тўхтовсиз қон тўкиши ва зўравонликдан, кўп йиллик қашшоқлик, вайронгарчиликдан чарчади ва бугунги кунда мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлишни истайди.

Айни пайтда сайловчиларнинг овозини қайтадан санаш ва Афғонистон президентлигига сайлов натижаларини эълон қилиш ва давлатнинг янги раҳбарининг ўз вазифасини бажаришга расман киришиш жараёни чўзилаётгани мамлакатда келгусида барқарорликка эришиш борасида кучли ҳавотир уйғотмоқда.

Афғонистонда воқеаларнинг бу тарзда ривожланиши мамлакатда айриқич сиёсий вазиятни бутунлай издан чиқариши, миллий хавфсизликка ва қарама-қаршиликларни тинч йўл билан ҳал этиш истиқболларига реал хавф солиши, музокаралар жараёнида муросяга эришиш, ўзаро курашаётган барча томонлар ва Афғонистондаги миллий-диний гуруҳлар вакиллари билан ташкил топиши мум-

кин бўлган коалицион ҳукуматни шакллантиришга ҳалақат бериши мумкин.

Хавфсизликка кўмаклашувчи халқаро кучларнинг Афғонистондан олиб чиқиш келиши таҳдидларнинг кучайиши ва беқарорликнинг ўсишига, террористик ва экстремистик фаолиятнинг кенгайишига ҳамда наркотрафик кўламининг нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки ундан узоқ бўлган ҳудудларда ҳам орттиришга олиб келишини ўзимизга тасаввур қилишимиз керак.

Бундай вазиятда Афғонистонда юзага келадиган ҳар қандай бўшлиқни қисқа муддатда турли бузғунчи ва террористик гуруҳлар эгаллаб олиши мумкин.

Оқибатини олдиндан айтиб бўлмайди бундай шароитда айриқич сиёсий кучлар ва уларни қўллаб-қувватладиган давлатларнинг Афғонистонда тартибсизликни юзага келтириш ва вазиятни янада чигаллаштиришга уринишларини инкор этиб бўлмайди. **Қисқача айтганда, Ироқдаги бугунги вазият такрорланади.**

Ўзбекистон Афғонистон билан ўзининг барқарор ва дўстона му-

носабатларини ҳар икки мамлакатнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб ва фақат икки томонлама ҳамкорлик асосида ўрнатмоқда ва бундан кейин ҳам шундай йўл тутайди. Афғон халқининг ўзи сайлайдиган ҳукуматни қўллаб-қувватлайди.

Дунё иқтисодиётида юзага келаятган аҳволни таҳлил қилар эканмиз, халқаро молиявий-иқтисодий инқирознинг жиддий оқибатлари ҳали тўлиқ бартараф этилмаган, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Ҳеч шубҳасиз, бундай тенденция ШХТ фаолиятида иштирок этаётган барча мамлакатлардаги вазият ва улардаги ривожланиш суръатларига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади.

Бундай шароитда ташкилотга аъзо давлатларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш, аниқ амалий натижаларга эришиш учун иқтисодий, инвестициялар ва транспорт коммуникациялари соҳаларида минтақа мамлакатлари манфаатларига жавоб берадиган кенг кўламли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтириш

вазифаси алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

Ушбу вазифани амалга оширишда Хитой Халқ Республикаси ва унинг Раиси Си Цзиньпин томонидан илгари сурилган «Буюк ипак йўли бўйлаб иқтисодий коридор» ташкил этиш борасидаги ташаббус муҳим ўрин тутайди, деб ҳисоблаймиз. Мазкур коридор минтақадаги барча мамлакатларнинг узоқ муддатли иқтисодий, айниқса, трансминтақавий транспорт инфратузилмасини ривожлантириш соҳасидаги манфаатларини илгари суришга, нафақат ушбу лойиҳа иштирокчилари, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг геосиёсий ва иқтисодий салоҳиятини сезиларли равишда кучайтиришга кўмаклашайди.

Украинадаги муаммони бартараф этиш бўйича ҳам ўз фикр-мулоҳазаларимизни қисқача баён этишни истардим.

Биринчи. Украинадаги муаммони тинч йўл билан ҳал этиш бўйича Минск шайхонида эришилган келишувларни, Украина ва Россиянинг ушбу масала юзасидан билдирган тақдир ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз.

Иккинчи. Ишончим комилки, Ўзбекистон томонидан шу йилнинг 4 мартда Украинадаги қарама-қаршиликка барҳам бериш ва мамлакатда тинчлик ўрнатиш бўйича Украина ва Россия ўртасида **тўғридан-тўғри музокара жараёнини** ўтказиш юзага келган вазиятни ҳал этишнинг энг мақбул ва самарали йўли экани ҳақида билдирилган тақдирлар долзарблигича қолмоқда ва бугун ҳам ўз тасдиғини топмоқда.

Учинчи. Украинадаги муаммо юзасидан ҳар қандай музокара жараёнида Россиянинг тарихан кўп асрлар давомида шаклланган азалий манфаатлари ҳам эътиборга олиниши даркор.

Ушбу манфаатларни эътиборга олмаслик жиддий хато бўлган бўлар эди.

Фурсатдан фойдаланиб, Россия Федерацияси Президенти Владимир Владимирович Путинни ШХТга навбатдаги муддатга раислик билан табриқлаб, ушбу масъулиятли миссияни амалга оширишда муваффақият тилашга ижозат бергайсиз.

Эътиборингиз учун ташаккур.

ШХТнинг Душанбе саммити

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 11-12 сентябрь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги саммитида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон пойтахтида 11 сентябрь кунини ШХТ саммити доирасида Эрон, Тожикистон ва Россия раҳбарлари билан икки томонлама муҳим музокаралар ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Душанбега ШХТда кузатувчи мақомига эга бўлган давлат раҳбари сифатида ташриф буюрган Эрон Ислон Республикаси Президенти Ҳасан Рухоний билан учрашди. Томонлар турли соҳалардаги ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини муҳокама қилиб, ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни изчил ривожлантириш, савдо-иқтисодий соҳада икки томон учун ҳам манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш заруриятини қайд этдилар.

Шу кунини Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон билан учрашди. Давлат раҳбарлари икки томонлама ҳамкорлик ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Президент Ислон Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан ҳам музокара ўтказди.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланмоқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил кенгаймоқда.

Ислон Каримов ва Владимир Путин мамлакатларимиз ўртасида мунтазам фикр алмашиш муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этдилар.

12 сентябрь кунини ШХТнинг навбатдаги саммити бўлиб ўтди. ШХТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлисида Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов, Хитой Раиси Си Цзиньпин, Россия

Президенти Владимир Путин, Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон, Қозғоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбаев иштирок этди. Кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқиш ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари, кузатувчи мақомига эга бўлган давлатлар, қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакиллари, шунингдек, фахрий меҳмонлар иштирокида ўтган кенгайтирилган мажлисда давом эттирилди.

Президент Ислон Каримов ўз нутқида бугун Афғонистонда юзага келаятган вазият, жажон иқтисодиётидаги ҳозирги аҳволга тўхталиб, шунингдек, Украинадаги муаммони бартараф этишга доир ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

ШХТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш, ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш истиқболлари ва умумий манфаатга эга бошқа масалалар муҳокама этилди.

Саммит якунида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарларининг Душанбе декларацияси, ШХТга аъзо бўлиш истагини билдирган давлатларнинг мажбуриятларига тааллуқли қарор ва бошқа ҳужжатлар имзоланди. Шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ҳукуматлари ўртасида халқаро автомобилда юк ташиш бўйича қулай шароитлар яратиш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

ШХТ Хартиясига мувофиқ, ташкилотга навбатдаги раислик Россия Федерациясига ўтди.

Б.ЭРГАШЕВ,
ЎЗА махус мухбири
Душанбе — Тошкент.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Бахти кулган, толеи баланд авлод



Носир ХАЙДАРОВ олган суратлар.

Ёшлар — юртимизнинг, истиқболимизнинг ҳал қилувчи кучи. Президентимизнинг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятга, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатининг узвий давомидир.

ЖАҲОН КУБОГИ

Чавандозлар беллашувнинг саралаш босқичида

Чавандозлик — халқимизнинг сеvimли спорт турларидан. Ҳатто халқ ижодиётидаги аксарият эртақларда от чоптириш ёвқур баҳодирларни синаш шартларидан бири сифатида келтирилади. Бугунги кунда мамлакатимизда от спорти тобора ривожланиб, ёшлар ўртасида унга қизиқиш кучайиб бормоқда.

Мухбиримиз.

Айниқса, юртимизда аҳалтегин, қорабайир каби ноёб зотли отларнинг кўпайтири-

лаётгани, халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган от спорти клубларининг ташкил этилаётгани ҳам ушбу спортдаги муваффақиятларга омил

Юлдуз ҲОЖИЕВА «Mahalla»

Айни пайтда таълим муассасаларида ўқувчи талабалар миллий истиқлол ғоясига йўғрилган машғулотлар, Президентимиз асарларини ўрганишга бағишланган факультатив дарсларда мустақиллигимизни мустаҳкамлашга оид билимларини бойитишаётир. Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 28-умумтаълим мактабиди

ҳам бундай машғулотлар давом этаётир.

«Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигида «Гуручарик» маҳалласи фаоллари мактабда ташкиллаштирилаётган очик дарсларда қатнашиб, ўқувчи-ёшларнинг таълим олиш жараёни билан танишмоқдалар. Уларнинг таълим-тарбиясига оид фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар.

> [7]

ИФТИХОР

Маънавий юксаклик тобора ортаётир

Дунёда тинчлик ва осейишгаликдан улғурок неъмат йўқ. Инсоннинг молу давлати бисёр бўлсаю, уйда хотиржамлик ҳукм сурмаса ённик юртида парокандалик бўлса, ҳеч нарса татамайди. Жаннатмонанд диёримиздаги шоду хуррамлик, тўқинлик, барқарор маънавий муҳит — буларнинг бари мухтарам Юрғобшмизнинг оқилона ва одилона сиёсати натижасидир.

Ўйилжон АБДУЛЛАЕВА, Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани Ўртаёп қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Шухрат» медали соҳибаси.

Айниқса, маҳаллаларга эътибор кучайтирилиб, унинг ноёб ва ўта таъсирчан кучидан жамиятимиз фаровонлиги, оила-лар мустаҳкамлиги ҳамда ёш авлод камоли йўлида фойдаланилаётгани бу борада қутулган самараларни бераётир. Мен бир неча йиллардан буён Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани Ўртаёп қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлиб ишлаб келаятирман. Ва ушбу миллий бошқарув тизимимизнинг кишилар ҳаётидаги аҳамиятига, унга берилаётган кўплаб вақолат ва ҳуқуқларнинг нечоғли аҳамият касб этаётганига гувоҳман.

> [2]



> [8]



ФАОЛЛАР ҲУВИ

Билим ва маҳорат уйғунлиги

Сўнгги йилларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги мавқеи ортди, вазифалари кўлами кенгаймоқда. Шу боис мазкур тузилмада фаолият юритаётган мутасаддиларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий билимлари ҳамда малакаларини ошириш талаб этиляпти.



Расул КАМОЛ «Mahalla»

Фаргона вилояти педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти биносида фаолият юритган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ёзги таътилдан сўнг янги мажмуада иш бошлади.

лашда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги, маҳаллаларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича «Маслаҳат марказлари» фаолияти, янги иш ўринлари яратиш, маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ривож, жамоатчилик назорати, ободончилик масалалари бўйича фаолларнинг билим ва кўникмалари ошириляпти.

Бундан ташқари, тингловчилар ҳуқуқ-тартибот идоралари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари, «Хунарманд» уюшмаси, Маънавий тарғибот марказининг вилоят бўлими, «Камолот» ЁИХ, молия муассасалари билан ҳамкорликда тингловчиларнинг назарий билимлари амалиётда қўлланилаётгани яхши самара бермоқда.

— Машгулотларда қатнашиб янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида», «Фуқаролар мувожадатлари тўғрисида»ги қонунлар мазмун-моҳияти юзасидан батафсил тушунчага эга бўляпмиз, — дейди Тошлоқ туманидаги «Заркент» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳромжон Жакимов. — Шунингдек, турли маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари ҳаммасблар билан ўзаро фикр алмашиш, тажриба ўрганиш имконини бермоқда.

Замонавий ахборот технологиялари асосида ўтказилаётган дарслар якунида тингловчилар билимлари тест синовлари орқали аниқланиб, уларга махсус сертификатлар топширилмоқда. Жорий йилнинг февраль — июнь ойларида ўтказилган машгулотларда 1535 нафар тингловчи ўқув курсларини муваффақиятли битирди. Сентябрь-декабрь ойларида ҳам яна шунча маҳалла фаоли малака оширади.



Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.

САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Муҳим сиёсий жараёнга ҳозирлик қизғин

Андижон шаҳри Ал-Бухорий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларидаги фаоллиги билан шухрат қозонган. Бу ерда тadbиркорлик ҳаракати дейсизми ёки комиссиялар фаолиятининг самарадорлигини ёхуд спорт билан боғлиқ тadbирларни оласизми — барчасида маҳалла аҳлининг ютуқларига гувоҳ бўлиш мумкин.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ «Mahalla»

Андижон шаҳридаги Боғишамол дам олиш масканида бўлган «Маҳаллам — фаҳрим менинг» мавзусидаги учрашувда жорий йилнинг декабрь ойида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайловларга тайёргарлик ҳақида фикрлашиб олинди. Унда қатнашган хунармандлар, тadbиркорлар, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилалар вакиллари, ёшлар мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, барқарорликни асраш зарурлиги ҳақида гапиришди.

Фуқаролар фаоллиги жамиятнинг демократлашувини жадаллаштиришда муҳим омилдир. Ал-Бухорий маҳалласида 10,5 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Сайлов ёшидаги рағбат эса 4 минг нафардан зиёд. Бу йилги сайловларда 108 нафар йиғитқиз истиқболимиз учун биринчи марта овоз бериш шарафига муяссар бўлади.

Мамлакатимизда юз бераётган демократик ўзгаришлардан, жойларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларидан боғабар, ҳаётий нўқтай назарига эга зиёлилар аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда маҳаллалар билан ҳамкорлик қилмоқда. Мисол учун, халқ таълими фаҳрийси Жалолдин Исоқов, Андижон давлат университети доценти Ҳабибулло Тиллабоев, профессорлар Сирожиддин Зайнобидинов, Абдулҳай Собиров, Саодат Раҳмонова сингари фаоллар ҳозирнинг ўзидаёқ Мумтозбеғим, Акбаршоҳ, Хуршид, Бедел, Саодат, Ойбек каби аҳоли зич жойлашган кўчаларда сайловларга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтирмоқда.

Маҳаллалар гузарлари, аҳоли гавжум масканларда уюштирилаётган суҳбатларда асосий эътибор бўлажак номзодларнинг инсоний фазилатлари, билим салоҳияти, ҳаётий тажрибаси



ҳамда дунёқарашига қаратилмоқда. Шундай мулоқотлар чоғида фуқаролар амалдаги депутатларнинг маҳалла раънақи, ободончилиги, фаровонлиги учун қандай хизмат қилганларини ҳам таҳлил этмоқда.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ҳафизахон Каримова маҳалладаги сайловчиларнинг энг яқин ҳамкорига айланган. Чунки депутат йиғинга тез-тез ташриф буюриб, аввало, аҳолини қабул қилинган янги қонунларнинг мазмун-моҳияти билан батафсил таништирилади, қолаверса, сайловчиларнинг ариза ва шикоятларини, тақлифларини эринмай ўрганади.

Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши депутати, «Фуқаролар йиғини» директори Облоқул Мирзаев ташаббуси билан маҳаллада ҳаммом қуриди. Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши депутати Нодирбек Юсуповнинг саъй-ҳаракатлари билан 10 километрга яқин ички йўллар таъмирланди. Дарвоқе, Ал-Бухорий маҳалла аҳли бўлажак сайловларда ўз номзодларини танлашда адашмаслиги тайин.

Маҳаллада аҳолининг бошини қовуштирадиган, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширадиган турли омиллар тадбирлари ўтказиш ҳам аънамага айланган. Бу ерда ҳар йили хунармандлар кўриги уюштирилади. Ма-

таб ёшидаги ўқувчилар учун «Конституцияни биласизми?» танлови кўпчиликда жиддий қизиқиш уйғотган. «Энг намунали кўча», «Жонқуяр оқсоқол», «Ташаббускор тadbиркор» каби кўриклар ҳам юқори савияда ташкил этиляпти.

Маҳаллада аҳоли тураржойлари зич жойлашганига қарамай, воёга етмаганлар ўртасида хижолатчиликка бутунлай барҳам берилган.

— Бунинг омили шуки, бизда бекорчининг ўзи йўқ, — дейди йиғин раиси Маҳаммадхон Исомолов. — Ҳар бир киши, ҳатто ёшлар ҳам ўзига яраша юмуш билан банд. «Футболчимиз келажак» республика турнирида футболчиларимиз учинчи ўринни эгаллади. Спортнинг бошқа соҳалари бўйича ҳам тўғрақлар мунтазам ишлаб турибди.

2014 йил — сайловлар йили. Бунинг яхши ангавлар фуқаролар ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида эришилаётган муваффақиятларини янада мустаҳкамлаш учун астойдил интилоқдалар. Кўчалар ободонлаштирилиб, безатилляпти. Марварид шодасидек қад ростлаган бинолар бири-биридан гўзал. Назаримизда, истиқлолимизнинг 23 йиллик буй-баста айнан Ал-Бухорий номидаги маҳаллада ўзининг гўзал қиёфасини намойён этаётгандай.

МАҲАЛЛА ГУЗАРИ

Барча шароит муҳайё

Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги «Халқобод» маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Дилдора ШАРОФИДИНОВА.

ИФТИХОР

Фонднинг вилоят бўлими хомийлигида қад ростлаган гузар мебель жиҳозлари ва компьютер жамланмалари билан таъминланди. Маҳалла фаоллари ва аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида мажлислар зали ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сарғандори учун алоҳида хоналар ажратилди.

Худудни кўркамлаштириш мақсадида гузар олдиди майдонга майса экилди, йўлақлар асфальтланди. Шунингдек, бино атрофини кўкжалмазорлаштириш ва кўркам қилиш мақсадида 55 туп крим соснаси, 100 туп зарафшон арчаси ва 4 туп япон сафораси ўтказилди, тунги чиқоқ ва ўриндиқлар ўрнатилди.

Маънавий юксаклик тобора ортаёттир

< [1]

Ўртаёпда яхши бир аънана шаклланиб: маҳаллада асосий эътибор қаратилган. Уларнинг маънавий ҳаётининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Уларнинг маънавий ҳаётининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Уларнинг маънавий ҳаётининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

да маънавий-ахлоқий тарбияни юксалтириш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий фаоллигини оширишга катта эътибор қаратаёттирмиз. Бунда худудимиздаги таълим муассасалари, қишлоқ врач-етук, жисмонан соғлом улғайишлари, турли оқим ва ёт гоғлар таъсирига тушиб қолмасликларини учун тартиб-таътирларини жонли мулоқотлар асосида ташкил этиляпти. Айни ўсмирлик ёшида инсон ўзи севган машғулот билан шуғуллашса, у нопок йўлларга адашиб кириб қолмайди, келажакга замин ҳозирлайди. Шу боис маҳалламиз аҳлининг аксариятини ташкил этадиган ёш йиғит-қизларимиз, болажонларимизнинг турли фан, хунармандчилик ва спорт тўғрақлари қатнашиб, қобилият ва салоҳиятига мос машғулотлар билан шуғуллашлари учун таълим муассасалари ҳамда оилалар билан алоқа ўрнатилмиз.

Бугуннинг маслаҳатчиси, аввало, хотин-қизларнинг энг ишонган киши, сирдоши ва маслаҳаттўйиғига айланши, ўзи ҳар ишда ибрат бўла олиши керак. Фаолиятимиз доирасида маҳалламиз аёллари ўртаси-

БАЙНАЛМИЛАЛ МАҲАЛЛА

Мақсадлари ягона, орзу-ўйлари муштарак

Жиззах вилояти Мирзақўл тумани марказидаги «Дўстлик» маҳалласида яшовчи темирчи Нишонбой Ражабовни қўшни туманларда ҳам яхши билишди. Кўпчилик Нишонбой акани «темирча жон киритади», дея таърифлайди. Бу гапда жон бор. Уста ясаган кетмон, белкурак, ўроқ каби рўзғор буюмлари бежиримлиги билан харидорғир.



Бек НАЗАР «Mahalla»

— Мирзақўлни ўзлаштириш бошланган йилларда бу жойларга келиб қолганман, — дейди Нишонбой ака. — Шу юртда фарзандларимни воёга етказдим, тўйлар қилдим, ёл орасида ҳурмат қозондим. Ўзбекистондай обод ва осойишта диёрда яшаётганимдан бахтиёрман.

Байналмилал маҳаллада ўн тўрт миллат вакиллари аҳлиноқ истиқомат қилади. Улар орасида Нишонбой ака сингари ўзининг ҳалол меҳнати билан эл фаровонлигига хисса қўшаётганлар талайгина. Уларнинг ота-боболари ҳам биргаликда чўлда уйлар қуриб, тўйлар қилишган.

Турли миллат вакиллари-нинг бир оила фарзандларидек аҳил яшаётгани туфайли маҳалла тумандаги обод худудлардан бирига айланди. Ҳозир йиғинда 8 та савдо дўкони, 10 та умумий овуқла-ниш, 13 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, жумладан, тикувчилик, электр асбобларини созлаш, пойабзал тузатиш устaxonалари ишлаб турибди.

Кейинги йилларда тadbиркорлар томонидан хизмат кўрсатишнинг янги турлари йўлга қўйилди. Чунки, маъданли сув ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада 25 нафар киши фойдали меҳнат билан банд. — Йиллар давомида қарор топган дўстликни асраб-авайлаш, аҳиллик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлашда фуқаролар йиғини томонидан ташкил этилаётган маънавий-маърифий тadbирлар муҳим аҳамият касб этади, — дейди йиғин раиси Қарлғач Қажабоева. — Маҳалламиз кўп миллатли бўлгани туфайли байрам ва тўйларимиз чиройли ўтади. Жумладан, Мустақиллигимизнинг 23 йиллик қарор топиб, маҳалла тарққиёт сари юз тутган.

лан нишонлади. Тантаналарда барча миллат вакиллари ўзларининг миллий санъатини, урф-одатларини намойиш этишди. Байрам миллати турли, аммо тақдирини бир кишиларни Ватанин янада обод қилишдек ягона мақсад йўлида бирилаштирди. Маҳалла вакиллари ҳар йил ўтказилаётган «Ўзбекистон — умумий уйимиз» республика фестивалининг туман, вилоят босқичларида фол иштирок этиб келаёттир. Фестиваль доирасида ташкил этилаётган кўрғазмаларга маҳалладаги кўзқ, қирғиз, тожик, рус миллатлари вакиллари миллий маданияти ва тарихий қадриятлари акс эттирувчи бадиий тасвир, халқ амалий санъати, хунармандчилик намуналари билан қатнашади.

— Ёшларни миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратамиз, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мавлуда Самадова. — Бунда ёшлар ўртасида ўтказилаётган турли тadbирлар муҳим аҳамият касб этаёттир. Шу мақсадда худудимиздаги қишлоқ ҳўжлик касб-хунар коллежи биносида «Дўст билан обод уйинг», «Физ — бир замин ва бир замон фарзандларимиз» мавзуларида тadbирлар ўтказиб турилади. Тadbир доирасида халқ амалий санъати, миллий хунармандчилик буюмлари, миллий таомлар кўрғазмаси, оқинларнинг айтишувлари уюштирилади. Айниқса, ўзбек ва қозоқ халқлари санъати намуналаридан тузилган концерт дастури кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Мамлакатимиз қудрати юртимизда қарор топган дўстлик ва ҳамжихатлик туфайлидир. «Дўстлик»да дўстлик ва аҳиллик қарор топиб, маҳалла тарққиёт сари юз тутган.



уларга қандай таъбир ўтказишни келишиб олишда ҳам асқотаёттир. Оилавий келишмовчиликлар, таймизми-йўқми, ҳар қандай маҳаллада ўзаро келишмовчилик 12 та оилалар арзига тушиди. Биз уларнинг муаммоларини батафсил ўрганиб, ёш келин-куёвларга ҳаётий сабоқ бериб, қайнона-келиндарни муроса мадорига қорладиқ. Натижада бугун бу оилаларда хотиржамлик

ҳукм сураёттир. Қувонарлиси, биз яраттирган оилаларда тарбияланаётган ўғил болалар ота-она, бо-бо буви меҳридан баҳраманд бўлиб улғаймоқда.

Худудлардаги маънавий барқарорликни таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш ишларини, шак-шубҳасиз, қадрдон маҳалласини беш қўлдек билладиган фидоий, тўғри сўзини айта оладиган, маҳалласи дарди билан яшаб, унинг истиқбо-

ли йўлида ғайрат кўрсатадиган инсонларга уддалай олади. Ишонч ва рағбат инсонга қанот бағишлайди. Менинг ҳам камтарона меҳнатларим юксак қадр топаётти. 2013 йилда «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг республика босқичида муваффақиятли иштирок этиб, «Воёга етмаганлар ва ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишдаги фаолияти учун» номиницияси фолиби бўлдим.

Жорий йилги истиқлол шодийналарини мен учун яна бир муждани туғфа этди — мен Президентимиз фармони билан «Шўҳрат» медали соҳибаси бўлдим. Бу зиммамдаги масъулиятни икки хисса орттирди. Фаолиятимизни янада жонлан-тириш, айрим муаммоларни тезкорлик билан ўрганиб, ўз вақтида барҳам бериш жоизлигини ҳис қилиб, янги режа ва лойиҳалар устида иш олиб бораёттирман. Ниятим тобора чирой очаетган Ўртаёп қишлоғимизнинг, демакки, она-Ватанимизнинг маънавий парвозини янада юксалтиришидир.

КОНФЕРЕНЦИЯ

Озиқ-овқат хавфсизлигига бағишланди

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида «Озиқ-овқат хавфсизлиги барқарорлигини таъминлашда инновацион технологияларни жорий этиш масалалари» мавзусида халқаро конференция ўтказилди.



■ **Ф. ҲАСАНОВ,**
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Самарқанд давлат университети ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда БМТ Тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, Ислон тараққиёт банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, дунёнинг илгирмадан ортиқ давлатидаги олий ўқув юртли ва илмий-тадқиқот марказлари олимлари, мутахассислар иштирок этди.

Анжуманда жорий йилнинг июнь ойида пойтахтимизда ўтказилган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда Президентимиз томонидан билдирилган фикрлар, мамлакатимизда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, соҳага замонавий технологияларни татбиқ этиш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритилди. Мазкур йўналишдаги Ўзбекистон таъриби халқаро миқёсда эътироф этилаётгани таъкидланди.

Конференция шўба мажлисларида бугунги кунда дунё миқёсида иқлим ўзгариши шароитида озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид солувчи ва чўлланиш муаммоларининг олдини олишга қаратилган табиий, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий фанлар соҳасидаги инновацион технологиялардан фойдаланишнинг долзарб масалалари, курғоқчил ҳудуд экотизимлари, табиат ресурсларини бошқариш, чўлланиш ва шўрланиш жараёнларини бартараф қилиш учун ер ва сувдан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ва экология соҳасидаги фундаментал ва амалий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан маърузалар тингланди. Ушбу йўналишларда олиб борилаётган ишлар юзасидан ўзаро фикр ва таъриба алмашилди.


— Озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи бугунги кунда глобал аҳамиятга эга бўлиб, халқаро ташкилотлар фаолияти ва давлатларaro муносабатларнинг асосий йўналишига айланди, — дейди АҚШнинг Невада университети профессори Роберт Новак. — Шундай шароитда озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалигида замонавий инновацион технологияларни жорий этишнинг аҳамияти катта. Самарқандда ташкил этилган мазкур конференция шу жиҳати билан эътиборли бўлди ва дунёнинг турли мамлакатларидан келган олим ва мутахассислар билан бу борада ўзаро таъриба алмашиб, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга келишиб олди.

Анжуман иштирокчилари Самарқанд вилоятидаги қорхоналар, фермер ва деҳқон хўжалиқлари фаолияти билан танишди. Ишлаб чиқариш жараёнларида замонавий технологиялардан фойдаланишнинг ҳолатини ўрганди.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

Маҳсулотлар сифатли ва харидорғир

Шуманай туманидаги Ақ жап овул фуқаролар йиғинида саноат қорхоналарини яратиш, аҳоли турмуш маданиятини янада юксалтириш, кишиларни тадбиркорликка жалб этиш борасида муайян ютуқларга эришилаётди.



■ **О. ЕСБЕРГЕНОВ**
«Mahalla»

Хусусан, «Р.Жарилкасинов» оилавий қорхонаси пишиқ гишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Мазкур цехда айни пайтда 15 нафар ёш иш билан банд.

— Ўзида бир қатор солиқ имтиёзлари ва бошқа турдаги преференциялар, кафолатларни мужассам этган Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни фаолиятини ривожига, қолаверса, ҳар бир оиланинг реал даромадини оширишда муҳим ҳуқуқий омил бўлмоқда, — дейди қорхона раҳбари Рустам Жарилкасинов. — Кун сайин маҳсулотимизга бўлган талаб ортиб бораётди. Айниқса, туманимизда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган янги ий-жойлар учун сифатли пишиқ гишт етказиб бераётганимиздан хурсандимиз.

Хориждан келтирилган ускуналар ёрдамида қорхона шу йилнинг ўзида 1 миллион до-

надан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариб, 70 миллион сўмга яқин даромадга эга бўлди.

Дарҳақиқат, қорхонада тайёрланаётган маҳсулотлар пишиқлиги ва ҳамёнболлиги билан нафақат Шуманайда, балки қўшни туманларда ҳам харидорғир.

Ақ жап овул фуқаролар йиғини раиси Жапарберген Холмуродовнинг таъкидлашича, тадбиркор фаоллар билан бамаслаҳат иш олиб боради. Йиғиннинг фаол аъзоси сифатида ўз бизнесини бошламоқчи бўлганларга соҳага оид таърибалари асосида йўл-йўриқ кўрсатади, маслаҳатини аямайди. Айниқса, у ҳудуддаги вақтинча ишсизлар бандлигини таъминлаш, шу жумладан, касб-хуна коллежи ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини мазкур цехда ўқашларига ҳамда овулни ободонлаштириш ишларига ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келаётди. Шунингдек, кам таъминланган, ижтимоий ғимояга муҳтож оилаларга яқиндан кўмак беришни қанда қилмайди.

Яқинда у янги бизнес лойиҳаси асосида балиқчилик хўжалигини ишга туширади. Демак, яна 10 нафар ёш иш ўрнига эга бўлади. Қолаверса, тиниб-тинчимас ишбилармон қўшни овул ҳудудида полипропилен қоплар ишлаб чиқарадиган қорхона биносини қуриб битказди, натижада 30 та янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда банддан олинган 250 млн. сўм кредит эвазига маҳсулот ишлаб чиқариш учун хомаш ёлиб келинаётди.

«МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ»

Иш бошида ишончли ҳамроҳ, мустаҳкам таянч

«Шарқобод» маҳалласида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик ривожланишига боис ҳудуд тобора кўркам ва обод масканга айланиб бораётди. Сирдарё вилоятининг Ховос туманида жойлашган мазкур маҳаллада айни пайтда 20 нафардан зиёд тадбиркор йиғинининг «Маслаҳат маркази» фаоллари кўмаги ва ишбилармонларга яратилган қулай имкониятлардан фойдаланиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида юқори натижаларни қўлга киритаётди.



■ **Топшўлат ҲАЙИТБОВЕВ**
«Mahalla»

— Илгари тадбиркорликка қўл урмоқчи бўлганлар ишни нимадан бошлаш, молиявий масалаларни ҳал қилишда бироз қийинчиликларга дуч келарди, — дейди йиғин раиси Суён Норқўзиёв. — Бугун ушбу муаммоларни тез ва осон ҳал қилишда йиғинлар қошидаги «Маслаҳат маркази»нинг амалий кўмаги қўл келмоқда. Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда фуқаролар йиғини ҳудудда хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хўнарандчиликни ривожлантиришга кўмаклашувчи маслаҳат

марказларини ташкил этиш масаласи кiritилгани ўз самарасини бераётди.

Йиғин қошидаги «Маслаҳат маркази» таърибали тадбиркор, хўнаранд ва ҳуқуқшунослардан ташкил топган. Жумладан, Абдурахмон Жуманов, Саммад Бекматов, Гулбахор Норқўзиёва ўз бизнесини бошламоқчи бўлганларга бизнес-режа тузиш, банкдан кредит олиш, давлат рўйхатидан ўтиш каби масалаларда йўл-йўриқ, кўрсатмалар беришмоқда. Қувонарлики, марказда қисқа муддатли ўқув курслар ташкил этилган. Унда ҳисоб юритиш, бизнесни бошқариш каби йўналишларда бўлажак ишбилармонлар ўз билимларини ошираётди.

Жорий йилда марказ кўмагида 5 на-

ИШ БИЛАНГА БАЛЛИ!

Гиламлар жилосида кадрятлар акси

Гилам тўқиш халқ амалий санъатининг кенг тарқалган тури сифатида кўп асрлик тарихга эга.

■ **Нигина ШОЕВА**
«Mahalla»

Ярим асрдирки, Термиз тумани «Ором» маҳалла фуқаролар йиғинидаги Марал мома Фафорова мазкур хўна билан шуғулланиб келади. Гиламдўзликда ўз мактабини яратган мома шоғирдларига хўна сир-асроларини ўргатишдан чарчамайди. Айни пайтда унинг Гўзалой Қурбонова, Шахноза Бўриева, Ойгул ва Фотима Маматова, Ўғилтож Қурбонова, Гулхан Худойбердиева сингари шоғирдлари ҳудудда тадбиркор сифатида ном қозониб, ёшларга хўна ўргатишмоқда.

Момонинг ёш шоғирдларидан бири Ойжамол Удамуротова Халқобод педагогика коллежининг иккинчи босқич талабаси. У ўтган йили тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида банкнинг 3,5 миллион сўм имтиёзли

кредити ҳисобига гилам тўқиш ускуналарини харид қилиб, кичик цех очди ва 4 нафар тенгдошининг бандлигини таъминлади. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган гиламдўзлик санъатини замонавий талабларга уйғунлаштиришга интилаётган ёш тадбиркор айни пайтда «туркман», «тоқир» ва «қолин» гиламларининг тўқима, тикма ва босма хилларини тайёрламоқда.

— Гиламларни буюртма асосида тўқиймиз, — дейди тадбиркор. — Маҳсулотларимизни табиий хомашдан тайёрлашни йўлга қўйиб, унга сержило ранг бериб, миллий безакларни акс эттириш орқали харидорлар эътиборини қозондик. Хусусан, урққда йиғинрилган жун ипларни гиёз, ёнғоқ пўстлоғи, тоғда ўсадиган рўяннинг илдизи, хина, ўсма барги ҳамда туҳум пўчоғидан тайёрланган табиий бўёқлар билан буюймиз. Шу боис тўқилаётган гиламларимизнинг ранги 45-50 йилгача ўз сифатини йўқотмайди. Гиламларимиз йиллар ўтган сайин чўғдаги товланиб, хонадонлар кўрғига кўрк қўшади. Ойжамол Удамуротова тўқиган гиламлар нақши, безаклари, бўйлиш усули ҳамда сифати билан ажралиб туради. У гиламларда воҳа табиятининг, қадимги урф-одатларнинг турфа жиллолари, ўзига хослигини акс эттиришга интилади. Зеро, харидорларни ўзига мафтун этаётган ёш хўнарандчи гиламларидоғи бетакорлик ҳам шундан.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2008 йил 1 апрелдаги «Халқ бадийи хўнарандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадийи хўнарандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришга оид қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонлари хўнарандчилик ривожига муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ортимизда хўнара эгалари ўз ижод намуналарини халқаро кўргазмаларда намойиш этиш имкониятига эга бўлишаётди. Ойжамол Удамуротова ҳам келгусида тўқиган гиламлари билан халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, ортимиз миллий хўнарандчилигини дунёга кўз-кўз қилиш ниятида.

ХўНАРДАН УНАР

Бобомерос касбдан кам бўлмас ҳеч ким

Буюк ипақ йўли чорраҳасида жойлашган Бухорон шариф нафақат илм ва маърифат маскани, балки маҳсулотлари жаҳон бозоридан муҳим ўрин олган йирик хўнарандчилик маркази сифатида қадимдан шуҳрат қозонган.

■ **Акбар РУСТАМОВ**
«Mahalla»

Моҳир усталари жило берган заргарлик, зардўзлик, каштачилик, кандакорлик буюмлари, қўлигул хўнарандчилари тўқиган ипақ гиламлар, зарринқалам хатотлар ва мусавирлар яратган қўлёмма китоблар ва миниатюралар жаҳондаги энг машҳур музейларнинг ноёб экспонатлари ҳисобланади. Аммо шўролар даврида қўл меҳнатининг «эскилик сарқити» дея камситилиши оқибатида кўпгина халқ амалий санъати турлари унутила бошланди. Юртимиз мустақилликка эришгач ана шу хўнаранд ҳам қайта тикланди, санъат даражасида тақомилга етказилди, муҳими усталарнинг эркин меҳнат қилишларига, ижодий изланишларига кенг йўл очилди.

— Кулоллар сулоласининг еттинчи вақилиман, — дейди Бухоро вилояти Фиждудон туманидаги «Кўрғон» маҳалласидан уста Алишер Нарзуллаев. — Бобомерос касбини давом эттириб кам бўлмадим. Рўзгоримиз тинч, турмушимиз фаровон. Уғилларим Олимжон ва Обиджон алақачон уста-кулол номига эга бўлишган. Қўллаб шоғирлар етиштирдим. Хўнара ортидан дунё кездим, халқаро кўргазмаларда қатнашдим. Японияда олти ой ижодий сафарда бўлдим. Хорижда амалий санъатга қизиқиш бениҳоя катта эканлигини кўрдим. Оқддий лойини қўлда пишийтиб, сўнг чархда айлантирилади, ундан бежирим буюмлар ясалган, ранг берилади, хумдонда тобланади. Бу жараёнда қанчакам хўнарандчилик мўъжизаларини яратаётган кулол маҳоратига тан бермай илож йўқ. Уста қўлида жило топган қашқари, лангари товоқлар, тақсимча, косалар, чойнак, пиёла, гулдон, хум,



кўза сингари идишлар сопол ўйин-кўзларга туширилган нақшларни кўзинингиз кувнатида. Нарзуллаевлар хонадон аъзолари қалб ҳарорати, кўз нури ва қўл кучи билан чиндан-да мўъжиза яратишади. Шу боис улар тайёрлаган санъат асарлари энг нуфузли хорижий кўргазмаларда муносиб баҳоланаётди. Республика ва халқаро миқёсда

ўтказилган 100 дан ортиқ кўргазмада иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллаган моҳир кулол 1995 йилда ЮНЕСКОнинг «Халқаро устаси» сифатини қўлга киритди. «Ташаббус — 99» ва «Офарин — 2011» республика кўрик-танловларида голиб, деб топилди. 2004 йилда Германиянинг Аннаберг-Бухгольц шаҳрида ўтказилган халқаро Евро-

ОИЛАВИЙ БИЗНЕС

Тадбиркорлик изчил қўллаб-қувватланмоқда

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янги иш ўринлари очиб ва барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилдир. Мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, маҳаллани оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш юзасидан тегишли ҳуқуқий базанинг яратилгани соҳа ривожига хизмат қилаётди.



■ **Ашурали БОЙМУРОД**
«Mahalla»

Тошкент вилояти Пискент тумани Ойбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида амалга оширилаётган ишлар ҳам шулар сирасидан. Йиғиннинг Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси ҳудуддаги тадбиркорлар фаолиятини мувофиқлаштириш, мазкур соҳада иш бошламоқчи бўлганларга маслаҳат ва кўмак бериш, қолаверса, маҳалладаги вақтинча ишсизларни яратилган янги иш ўринларига жойлаштиришга доир вазифаларни сўқидилдан бажаришмоқда.

— Ҳудудимизда айни пайтда юздан зиёд тадбиркорлик субъекти фаолият юритиб келаётди, — дейди йиғин раиси Жўракул Отақулов. — Улар нафақат оиласи иқтисодиётини ривожлантириш, балки ҳудуд ободлиги, турмуш фаровонлигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишмоқда. Тадбиркорларнинг биз билан бамаслаҳат, ҳамжиҳат ва ҳамкорликда иш олиб бораётгани ҳар жиҳатдан қўл келмоқда.

Дарвоқе, оилавий бизнесни ташкил этиш, тадбиркорликни йўлга қўйиш ўз-ўзидан бўлмайдиган. Мақсад сари да-

дил интилиб, янгилик яратишга киришган ҳар бир ишбилармон, албатта, маҳалла фаоллари кўмагига таянади. Таърибали тадбиркорлардан ташкил топган комиссия аъзолари улардан йўл-йўриқларини аямайдилар.

